

## УН МАХСУЛОТЛАРИНИ ХАФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ДОННИ Қ АЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИНИНГ УРНИ

*Манасова И.С.*

*Бухоро давлат тиббиёт институти умумий гигиена  
кафедраси катта ўқитувчи*

### АННОТАЦИЯ

Унни саклаш ва кайта ишлаш корхоналари куп ассортиментли махсулот ишлаб чиқарувчи узок занжирли технологияга асосланган йирик тармок хисобланади. Мамлакатимизда етиштирилган дон бир йилда бир марта саклаш учун кабул килиб олинади ва ундан жорий йил давомида фойдаланилади.

**Калит сузлар:** Ун махсулотларини ишлаб чиқариш, Дон махсулоти, Сифат курсаткичлари, занжирли технологияга.

### ABSTRACT

Flour storage and processing enterprises are a large network based on long chain technology that produces a wide variety of products. Grain grown in agriculture is taken for storage once a year and used throughout the year.

**Keywords:** Flour storage, Cereal Product, Quality Indicators, Product Quality.

### КИРИШ

Иқтисодий ислохот изчил амалга оширилаётган хозирги даврда аҳолини ун махсулотларига булган талабини тулароқ қ ондириш ва бу сохадаги таъминотни тубдан яхшилаш энг долзарб масалалардан бири хисобланади. бу вазифаларни муваффадиётли хал этишда айнидса, дон махсулотларини саклашда ва дайта ишлашдек мухим вазифага алохида эътибор бериш талаб қилинади.

кейинги йилларда ун махсулотларни кайта ишлайдиган корхоналар сони бир мунча ортди. бу еса кичик тадбиркорлик ва инновацион технологояларни узбекистонда ривожланиши натижасидир. шу боис, президентимиз ш.м.мирзиёевни 2018 йилни фаол тадбиркорлик, инновацион гоюлар ва технологияларни куллаб-куватлаш йили деб еълон килишлари бизларни шу масалага жиддийроқ карашимизга ундайди.

ун махсулотларини кайта ишлаш саноатида донни саклаш ва кайта ишлаш корхоналарининг салмоги юкори. узбекистон республикаси ахолисининг нон махсулотларига булган истеъмол даражаси билан дунёда энг юкори уринда булган давлатлардан бири хисобланади. республикаимизда ахоли жон бошига бир йилда уртача 170 кг ун ва ун махсулотлари тугри келади ( россияда 122 кг, акц-

да 57 кг )1.республикамиз ахолиси учун асосий озик-овкат махсулоти хисобланган ун ва ун махсулотларининг сифати ва миқдорига булган талабнинг йилдан-йилга ошиб боришига боғлиқ муаммолар мавжуд. галла етиштириш ва ахолининг узиш динамикасини таҳлил қиладиган булсак, дон экиладиган экин майдонлари ва ҳосилдорликка нисбатан ахолининг узиш даражаси анча юқоридир. чунки узбекистон республикаси ҳудудий жиҳатдан маълум бир доирада чегараланганлиги сабабли кишлоқ хужалигида дон экиладиган экин майдонларини кенгайтиришнинг ҳам имкониятлари чегаралангандир. бу эса уз навбатида дон махсулотлари таъминоти ва унинг асосий хом ашёси булган бугдойдан тежаб-тергаб фойдаланиш каби муаммоларни келтириб чиқаради. Аҳолини ун махсулотлари билан таъминлашнинг узишга хос хусусиятлари мавжуд булиб, биринчидан, ахолининг бу махсулотлар билан уз вақтида ҳамда етарли даражада таъминланмаслиги туфайли ижтимоий турмушнинг пасайиши натижаси жамият тараккиёти ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражасига бевосита салбий таъсир қилади, иккинчидан, ун махсулотларининг истеъмолга яроқлилик муддати жуда қисқа даврни уз ичига олганлиги сабабли уларни ишлаб чиқариш, саклаш ва сотиш маълум бир белгиланган даврда амалга оширилади, яъни «ишлаб чиқариш-саклаш-жунатиш-истеъмол» занжирли жараён аниқ бир вақтни талаб қилади, учинчидан, ахолининг соғлиги биринчи уринда истеъмол қилинадиган ун махсулотларининг турлари, сифати, тайёрланиш ва сакланиш технологиялари ҳамда муддатларига риоя қилинишига қўй жихатдан боғлиқ. бу уз навбатида донни саклаш ва қайта ишлашда ҳамда олинган махсулотни истеъмолчиларга жунатишда ута эҳтиёткорликни талаб қилади. масалан, дон гарамининг ичида бегона ва давлатнинг дон ресурслари билан таъминлаш баланси одатда ҳар бир кишлоқ хужалиги йили буйича тузилади. балансни тузишда ишлаб чиқариш харажатлари ҳамма моддалар буйича ҳисобга олинади, кейин ресурслар аниқланади. ресурслар буйича харажатлар ортиб борган сари, давлатнинг импорт ҳажми ортиб бораверади ёки давлатнинг захира фондига боғлиқ булиб қолади.

Бундан қуришиб турибдики, жамият тараккиёти, ахолининг узиб бориши билан дон махсулотларига булган талабнинг узиб бориши қабилар бозор муносабатлари шароитида ҳам донни саклаш ва қайта ишлаш тармогида самарадорликка эришиш ва уни такомиллаштириб бориш зарурий вазифалардан бири булиб қолди.

Дон махсулоти булган «ун» сузишга доимо унинг тури ва нави қушиб айтиладимасалан, бугдой уни, арпа уни, жавдар уни қабилар ёки олий навли ун, биринчи навли ун, иккинчи навли ун ҳамда жайдари ун. асосан истеъмол учун бугдой унидан фойдаланилади.

Дон мах, сулотларини кайта ишлаш корхоналарига топширишдан олдин дон дастлабки саклаш учун туман дон қабул қилиш пунктларида очи; ҳолатда хирмонларга жойлаштирилади. бу босқич дон партиясига боғлиқ ҳ, олда бир неча соат ва суткадан бир ойгача ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. донни дастлабки саклашда зараркунандалар билан зарарланиши, намланиб қолиши ва микроорганизмлар ривожланишидан жуда ҳ, ам эҳ, тиёт қилиш лозим. доннинг зарарланишига қупинча уни хирмонларда, дала шароитларида, утган йилги қолдиқлардан яхши тозаланмаган омборхоналарда саклаш сабаб бўлади. дон массаси сифатининг пасайиши уни ташиш жараёнида ҳ, ам қузатилиши мумкин. дон массасининг сифати ва сакланувчанлиги қуп жихдтдан йигиб олинган захоти жойлаштирилган жойнинг шароитига боғлиқ. дон йигиб олинган захоти белгиланган манзилга етказилиши лозим, доннинг механизация воситалари бункерларида қолиб кетиши унинг сифатини пасайишига олиб келади. Дон ишлаб чиқариш корхоналарига турли ҳолат ва сифат қурсатқичларига эга бўлган ҳолда қелтирилади. қелтирилган дон массасига масъулиятли муносабатда бўлиш талаб этилади.

**Тадқиқот мақсади:** қабул қилинган дон тугри анализ қилиниши ва сифати бўйича аниқ ажратилиши лозим. бундан ташқари уларга ҳужжатларни расмийлаштириш, саклашда тугри режимларни қуллаш ва замонавий ишлов бериш тизимларини жорий қилиш.

**Тадқиқот материаллари:** Таҷрибаларимизга асосланиб олиб борилган таҷрибаларимиз натижаларига асосланган ҳолда уруглиқ донларни йигиштириб олиш, 1 -2 ҳафта олдин бошланади улар 3 ой мобайнида қуритилиб, тозалаб, саралаб, дорилаб, қуритилиб қадокланиб ёпик омборларда ёки нишабли ҳаво яхши айланадиган, чиқиндилардан тозаланган омборларда паддонларда 1 тоннадан шахмат усулида саклаб, сунг октябр ойининг 2 ва 3 ун қунлигида экиш учун тарқатилади. му<sup>о</sup>қамадаладан то қабул қилиш қорхоналарига олиб қелгунга қадар 10-12% йукотувлар содир бўлади. зарарли ҳасва кемирувчисини таъсири 2 % ни ва ундан қупроқ қурсатқични ҳ, ам ташқил этади. товар учун йигиштирилган донлар тиним даврини ва етилиш даврини уташ учун, очик шароитда июн, июл, август, сентябр ойларида қуёшли бетонли майдонларда саклаб турилади. бу вақтда 4 ой мобайнида ташқи муҳит таъсиридан қушлар, ҳаводаги қанг ва ифлос гардлар доннинг устки қисмига жойлашиб улғуради. олинган натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак факат дон билан озикланадиган қаламуш йил давомида 22-25 кг, 1 дона қуш бир қунда 8-12 г, 1 йилда 4 кг 320 гр донни еб қуяди. қумчуқлар қаптарлар ва бошқа қушлар омбор ёки дон уюмларига очик майдондаги ва хирмондаги донларга қуплаб қирон қелтиради. бундан ташқари улар дон уюмларини уз аҳлатлари, патлари билан ифлослантириб юборади[2,4,6].

Доннинг сифати зараркунанда ва касалликлар таъсирида ҳам узгаради. айникса зараркунандалар доннинг нонвойлик сифатини кескин туширади.

### **Муқокама ва натижалар:**

Мураккаб технологияни қўллаш билан ун навлари ҳосил қилинади. тармокнинг узига ҳос хусусиятларидан бири ҳам бир хил ҳам ашёдан бир вақтнинг узига бир неча навли маҳсулот олишдир. шунингдек, уша ҳам ашё чиқиндисидан кишлоқ хужалик хайвонлари учун бир неча турдаги озуқа маҳсулотлари ҳам тайёрланади. шу сабабли бу тармокни чқиндисиз ишлаб чиқариш деб атаса бўлади.

Донни саклаш ва қайта ишлаш корхоналари қўп ассортиментли маҳсулот ишлаб чиқарувчи узок занжирли технологияга асосланган йирик тармок ҳисобланади. таъкидлаб утганимиздек, кишлоқ хужалигида етиштирилган дон бир йилда бир марта саклаш учун қабул қилиб олинади ва ундан жорий йил давомида фойдаланилади. захирадаги ҳам ашё бирданга ишлаб чиқаришга берилмайди ва ҳар бир қабул қилинган дон партиялари буйича алоҳида-алоҳида сакланиш муддати белгиланади. бундан қуриниб турибдики, донни саклаш ва қайта ишлаш корхоналари республикамизнинг озик-овқат захирасини таъминловчи тармок ҳам ҳисобланади. шунингдек, бу тармок ун ишлаб чиқариш билан бир вақтда кишлоқ хужалик хайвонлари учун ҳам омухта ем ишлаб чиқариш билан ҳам шугулланади[8,9,10].

Донни саклаш ва қайта ишлаш корхоналарининг яна бир узига ҳос хусусиятларидан бири - сакланаётган донда табиий йукотиш микдорининг юқорилигидир. шунга қура ҳар бир дон тури буйича сакланиш муддати ва турига қараб табиий йукотиш меъёрлари белгиланади.

Бу меъёрлар буйича табиий йукотиш ҳаражат сифатида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшилади, меъёрдан ошган қисми жавобгар шахсдан ундирилади. ушбу тармокда ишлаб чиқарилган маҳсулотда ҳам ашё сизими айтиб утганимиздек, юқоридир. бу эса ҳам ашёдан тежаб-тергаб фойдаланиш билан маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятлари мавжудлигидан далолат беради қелтирилган узига ҳос хусусиятлар, мураккаб технология уз навбатида уларда ташкил қилинган ҳисоб тизимининг мураккаблашувиға олиб қелади[5,6,7].

Ҳозирда бу тармокда ҳисоб юритишда 200дан ортиқ бошланғич хужжатлардан фойдаланилади. шундан 120 га яқини бевосита ишлаб чиқариш ҳаражатларини назорат қилиш ва ҳисобга олишга тааллуқли[10,13].

юқоридаги вазифаларни бажариш кишлоқ хужалигида етиштирилган донни саклаш учун қабул қилишдан бошланади. агарда дон белгиланган меъёрлар буйича қабул қилинмаса, унда режалаштирилган мақсадларда фойдаланишда салбий натижалар содир бўлиши мумкин. қабул қилинаётган дон қуйидаги

талабларга тула жавоб бериши керак: намлиги 13-14 фоизгача, бошка аралашмалар микдори 2 фоизгача, зарарли аралашмалар 0,2 фоизгача, шундан захарли усимликларнинг уруги аралашмаси 0,05 фоиз, бошка дон аралашмалари 5 фоизгача, пуч дон аралашмаси 1 фоизгача. Бизнинг фикримизча, таъкидлаб утилган барча узига хос технологик хусусият ва талаблар тармокнинг сифат курсаткичларини белгилаб беради. "махсулот сифати - бу буюмни белгиланган максатда фойдаланиш учун ярклилигини белгиловчи хусусиятлар мажмуидир"1 демак, дон махсулотларининг истеъмол хафсизлигини таъминлаш хам тармокнинг бир сифат курсаткичидир. сифат ва микдор курсаткичлари бир-бирини инкор килмайдиган курсаткичлар булиб, улар куп холларда тескари мутаносиб равишда муносабатда буладилар, яъни сифатнинг усиши микдорнинг пасайиши ёки микдорнинг усиши сифатнинг пасайишига олиб келиши мумкин. айникса, сифат курсаткичлари микдор курсаткичларига купрок уз таъсирини утказди[7,11,12].

**Хулоса:** Дон ва дон махсулотларини саклаш бошка купгина товарлар сингари мамлакатда мураккаб тадбир хисобланади. Дон махсулотларини саклашни ташкил этиш катта микдорда моддий-техник база хамда малакали мутахассисларни талаб этади.

#### Адабётлар:

1. Холмуродова Зубайда., кузги донни йигиштириш, жойлаштириш ва саклаш даврида нобудгарчиликка таъсир циладиган асосий омиллар// international scientific journal -2022 volume 1 № 7 .p-110-114.
2. Назаров .А.М., Ашуров Х., Дон махсулотларини сифат ва хафсизлигини таъминлашда цайта ишлаш корхоналарининг урни/
3. Ibrohimov KI. The Meal of Students // Indonesian Journal of Education Methods Development. – 2022. – Т. 20. – В. 10.21070/ijemd. v20i. 629-10.21070/ijemd. v20i. 629.
2. Manasova I.S., Distance Education: ILLusions and Expectations // IDDLE EUROPEAN SCIENTIFIC BULLETIN. Voleme:20 Jan 2022 ISSN: 2694-9970.- Page 184-186
3. Манасова И. С. Состояние Эндемического Зоба // AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 115-118.
4. Ibrohimov K.I., Features of Labor in Agriculture // CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES. Voleme: 02 Issue:07| Jan-Feb 2022 ISSN: 2660-4159. Page 87-91
5. MANASOVA I.S., Doktor Axborotnomasi. ANALYSIS OF STUDENTS' OPINIONS ON THE BASIC COMPONENTS OF HEALTHY LIFESTYLE 2021, №1(98) ISSN 2181-466X.

6. Manasova IS, Mansurova M.Kh., Youth's Look For A Healthy Lifestyle // Central Asian journal of medical and natural sciences. Volume: 02 issue: 02 March–april2021 ISSN; 2660-4159.P.149-153.

7. Манасова И. С. Гигиенические Аспекты Мукомольного Промышленности //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 100-106.

8. Ibrohimov K. I. Research of Dust Content in the Air in Production Premises of a Grain Processing Enterprise //Vital Annex: International Journal of Novel Research in Advanced Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 76-80.

9. Манасова И. С. Гигиенические Аспекты Мукомольного Промышленности //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 100-106.

10. Манасова И. С. Состояние Эндемического Зоба //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 115-118.

11. Ibrohimov K. I. Health State of Workers of Cotton Enterprises, Structure of Diseases, Influence of Age and Work Experience //AMALIY VA TIBBIYOT FANLARI ILMIY JURNALI. – 2022. – С. 55-59.

12. Иброхимов К. И. Гигиеническая Оценка Показателей Микроклимата В Основных Отделениях Животноводческого Комплекса //Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture. – 2023. – Т. 4. – №. 7. – С. 1-5.

13. Ibrohimov K. I. INCIDENCE RATES OF LIVESTOCK COMPLEX EMPLOYEES WITH INFECTIOUS DISEASES //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 225-229.